O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 9 январь

№ 1 (444)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Меҳру мурувват – улуғ фазилат

ЭЪТИБОР— ҲАМ ДАЛДА, ҲАМ МАДАД

Бугун биз Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз бераётган муҳим тарихий ўзгаришларнинг гувоҳигина эмас, балки қатнашчилари ҳамдирмиз. Президентимиз Ислом Каримов халқимиз турмуш даражасини тўхтовсиз кўтариш, аҳолининг, жумладан, ногиронлар ва ўзгалар парваришига муҳтож нафақахўрларнинг турмушини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор бермоқда. Айниқса, 2004 йилни Юртбошимиз «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилишлари қалби ўксик кекса отахону онахонларимизни, тўшакда ётган ногиронларни беҳад хурсанд қилди. Буни биз Яккабоғ туманидаги "Саховат уйи"да бўлганимизда янада яққолроқ ҳис этдик.

Қариялар масканига ерталаб етиб келдик. Ҳаммаёқ тоза, озода. Хизматчилар қўли-қўлига тегмай нуронийлар атрофида парвона. Ихчамгина боғда уч-тўрт қария суҳбат қураяпти. Қошларига "қиров қўнган", ёши 65-70 лар атрофидаги икки нуроний эса кичкина йўлакча бўйлаб сайр қилишмоқда. Шу ерда юз-кўзлари меҳрга ташна, аммо ўзи самимий, очиққўнгил нуронийлардан бирини суҳбатга тортдик. У ўзини Рафаэл Нормуҳамедов деб таништирди.

– Асли Косон туманиданман, – деди у. – Бу ерда қариялар яшаши учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Ҳа, халқимиз меҳр бор ерда – кулба ҳам кошона, меҳрсизликда – кошона ҳам вайронадир, деб бежиз айтмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Сабаби, бу ерда истиқомат қилаётганлар ҳеч нарсага муҳтож эмас. Улар учун ҳамма нарса муҳайё. Қариялар ўзларини ўз уйларидагидек хотиржам ҳис қилишади. Уларнинг овқатланишлари, даволанишлари, хуллас, кам-кўстсиз яшашлари учун ҳар ойда 3 миллион 120 минг сўм маблағ ажратиляпти.

— Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдормиз, – дейди яна бир нуроний Хуррам Боқиев суҳбатга қўшилиб. – Юртбошимизга минг раҳмат. Мана бугун бошли йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб атадилар. Бу билан барча Республикамиз аҳлини меҳр-мурувват ишларига хайрихоҳ бўлишга ундадилар. Бундай инсонларнинг эзгу ишларини яратган эгам ҳам қўллаб қувватлайди, иншооллоҳ.

– Фарзандларингиз борми? – сўраймиз отахонга юзланиб.

– Ҳа, – дейди у намланган киприкларини артаркан, – бир ўғил, икки қизим бор. Ҳаммаси уйли-жойли. Келиб туришади, ҳар-ҳар замонда. Бу ерга турмуш ўртоғим билан келишмай қолиб, келганман. Ҳар ҳолда ёмон эмас.

Биз Хуррам ота билан мулоқотдан сўнг унинг фарзандларига икки оғиз насиҳат айтгимиз келди. Оқар сувга иккинчи маротаба тушиб бўлмаганидек, ўтган умрни ҳам ортга қайтариб бўлмайди. Вақтида жондан азиз фарзандлари учун бутун борлиғини, муҳаббатини берган, ҳаётга тўғри йўл кўрсатган отани ўз пушти камаридан бўлган жигаргўшалари бугунга келиб уни нега авайлаб ардоқламаяптилар? Нега ундан меҳрларини аядилар?

Аслида ўз отасини ташлаб қўйган фарзандлар гуноҳи кечирилармикан? Шу ўринда фарзандлар бир ҳақиқатни билиб қўйишларини чин дилдан истардик. Отган тонглар отаверади. Оққан сувлар ҳам оқаверади. Лекин умрни ортга қайтариб бўлмайди. Бугун сиз ташлаб қўйган оталарингиз ёлғиз эмас. Меҳри дарё инсонлар ардоғида. Аммо уларга фарзанд меҳри, эътибори ҳамма нарсадан афзал эмасми?

"Саховат уйи"да истиқомат қилаётган мўътабар зотлар хизматида бўлаётган ходимлар қарияларнинг кемтик кўнгилларини бутун қилиш учун фарзандларидек елиб-югуришаяпти, меҳру мурувват кўрсатишаяпти. Бу ерда фидойилик кўрсатаётган 70 кишининг ҳаммаси 160 нафарга яқин онахону отахонга қамишдан бел боғлаб, бажонидил хизматда.

— Бизда истиқомат қилаётган онахону отахонларимиз фақат давлатимиз ғамхўрлигидангина эмас, балки саховатпеша жамоалар ва айрим олийҳиммат кишилар мададидан ҳам баҳраманд бўлишаяпти, – дейди "Саховат уйи" директори Нўъмонжон Қурбонов. – Бунга мисол қилиб, вилоят касаба уюшмаси, Яккабоғ боғдорчилик хўжалиги, вилоят "Наврўз" жамғармаси, Қизил Ярим ой жамияти, "Озода" ишлаб чиқариш савдо фирмаси, Муборак газ конлари унитар шўъба корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаларини айтиш мумкин. Улар ўз пул маблағлари билан, гоҳида эҳтиёжга зарур бўладиган маҳсулотлари билан кўмаклашиб, савобли ишлар қилаётирлар.

Дарҳақиқат, "Саховат уйи"даги иситиш тармоғини таъмирлаш учун Муборак газчилари 13 миллион сўмлик иш бажаришди. Айни пайтда қариялар ётадиган хоналар иссиқ. Бундан ташқари, улар учун ҳаммом ҳам бор. Чойхона эртаю-кеч нуронийлар хизматида. Кутубхона ишлаб турибди. Ҳар байрам кунлари бу ерда кўнгилочар тадбирлар уюштириляпти. Маданий тадбирлар вақтида ўтказилаётгани, телевизор-радио, газета-журнал вақтида келтирилиб турилгани боис нуронийлар мамнун. Айниқса, 2004 йил 1 январь куни бу ерда ўтказилган тадбир нуронийлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади. Шу куни вилоятдаги кўпгина корхона, ташкилотлар ўз эҳсонлари билан қарияларга байрам дастурхони безашди. Унда вилоят раҳбарларидан тортиб, қалбида меҳр-мурувват ҳисси бўлган барча олийҳиммат инсонлар ҳозир бўлишди. Бу тадбир барча нуронийларни беҳад мамнун этди.

— "Саховат уйи"да асосан 18 ёшдан юқори биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда 60 ёшдан ошган, боқувчисини йўқотган қариялар истиқомат қилади, – дейди суҳбатимиз якунида Нўъмонжон Қурбонов. — Уларга уч нафар шифокор, 11 нафар ҳамшира хизмат кўрсатаяпти. Вақти-вақти билан нуронийлар тиббий кўрикдан ўтказилади. Соғликларини тиклаб олишлари учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳа, ожизга холис ёрдам бериш ҳар иккала кўнгилни ҳам ёритади. Қалбни забт этиш учун аввало ҳурмат-иззат, илиқ самимий муносабат ва меҳр керак. Меҳру мурувватга, чинакам инсоний ғамхўрликка ташна бўлган, тақдир тақозоси билан қисмат қисган, қаровчисиз қолган ёхуд оқпадар фарзандлари юз ўгирган отахону онахонларга нақадар олижаноблик билан жондилидан беминнат хизмат кўрсатган инсонлар ҳамиша таҳсинга сазовордир.

С.КОМИЛОВ.

Қўнғирот туманидаги Сода заводи мустақил мамлакатимизнинг мустаҳкам иншоотларидан бирига айланади. 1995 йили қурилиши бошланган бу иншоотга Хитойнинг СИТИК компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ асос солинган эди. Йилига 100 минг тонна калцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган мажмуанинг ишга туширилиши шу йилнинг ёз ойларига мўлжалланаяпти. Иншоот қурилишида махсус монтажчилар бригадасининг тажрибали қурувчиси Бердибек Гапуев айниқса, пешқадамлик қилаяпти.

Суратда: ўз соҳасининг жонкуяр мутахассиси Бердибек Гапуев иш пайтида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Сарҳисоб

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАДИ

— дейди Шаҳрисабз туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Азамат БОЙМУРОДОВ

Азамат Боймуродов 1948 йилда туғилган. Маълумоти олий. 1990 йили хўжаликка раис этиб сайланганидан сўнг ўзининг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилиги билан эл назарига тушди. У раҳбарлик қилган йиллари хўжалик ишлаб чиқариши ўсди. Маданий-маиший, ободонлаштириш, ижтимоий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Қуйида мухбиримизнинг Азамат Боймуродов билан қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Азамат Муҳаммадиевич! Ўтган йил сиз бош бўлган хўжалик фаолиятида, шунингдек, шахсий ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— 2003 йил хўжалигимиз меҳнаткашлари ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди, десам янглишмаган бўламан. Айниқса, ўтган йили 1 август куни Президентимиз Ислом КАРИМОВнинг хўжалигимизга ташрифлари, мен ва оилавий пудратчиларимиз билан юзма-юз, очиқ, дилдан суҳбат қилганлари, берган қимматли маслаҳатлари ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди. Бу самимий суҳбат кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Юртбошимизнинг кўрсатмаларига риоя қилиб, қишлоқ хўжалигида яхши натижаларга эришдик. Давлатга 2585 тонна ғалла, 1574 тонна пахта, 615 тонна сабзавот, 13 тонна мева ва бошқа маҳсулотлар сотилди. Йилни 108 миллион 983 минг сўм соф фойда билан якунладик.

Юртбошимиз хўжалигимиз оилавий пудратчиларининг фидойи меҳнатидан қониқиш ҳосил қилдилар. Айниқса, пудратчи Яҳё бобо Эргашев оиласининг ердан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни ошираётгани Президентимизни хурсанд қилди. Ўша учрашув чоғида ҳурматли Ислом Каримов Яҳё бобо оиласига агар йилни яхши якунласа, мукофот беришни ваъда қилган эдилар. Янги йил арафасида Юртбошимиздан шошилинчнома келди. Шу оилавий пудратчимиз 2003 йили ҳар гектар пахта майдонидан 55 центнердан хирмон кўтариб, энг юқори натижага эришди. Шу туфайли пудратчи Яҳё бобо Эргашев оиласи эллик фоиз арзонлаштирилган ҳолда "Нексия" русумли автомобили билан тақдирланди. Бу хушхабар бутун хўжалигимиз меҳнат аҳлининг руҳини кўтариб юборди.

Ҳа, бугуни кун талаби тадбиркорлик, ишбилармонлик бўлиб қолди. Ҳозир ишнинг кўзини билган, тадбиркорлик қилган кишининг чўнтагига барака киради. Асли ҳалол меҳнат қилган киши асло ютқазмайди. Ишлайдиган кишилар чин маънода тишлайдиган давр келди. Шу заминга, шу юртга эгалик туйғуси ўзимизга қайтди. Буни англашнинг ўзи ҳам катта гап.

— Янги йилдан нималарни кутяпсиз?

— Шу кеча кундузда хўжалигимиз меҳнат аҳлининг руҳи баланд. Қўлни-қўлга бериб, келажакка катта орзу-умидлар билан қараб, меҳнат қилишаяпти. Биласиз, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи. Шундай экан, деҳқончилик қилинаётган ҳар қарич ер ҳосилдорлигини янги йилда қарийб икки бараварга ошириш эзгу мақсадимиздир. Фақат шундай йўл билан пахтачиликни ҳам, ғаллачиликни ҳам, сабзавот, полизчиликни ҳам ривожлантиришимиз мумкин.

Агар қишлоқ хўжалигидан катта фойда олсак, ижтимоий-маданий соҳада ҳам кўзлаган ишларимизни қилишимиз мумкин. Қишлоқлардаги янги оилаларга табиий газ, тоза ичимлик суви келтирилади. Ободонлаштириш ишлари жонланади. Бу йил мева, узумни қайта ишлаш цехларини очиш ниятимиз бор. Албатта кичик корхоналар, оилавий пудратчилар ишини янада ривожлантиришга, янги очилган цехлар қувватини оширишга, чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишга, хуллас иқтисодиётимизни яхшилашга имкон берадиган барча омиллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Зеро, даврнинг ўзи, мустақил республикамиз танлаб олган йўл шуни тақозо қилмоқда.

Шунингдек, "Меҳр ва мурувват йили"да кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларни, ёрдамга муҳтож барча кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш доимий эътиборимизда бўлади. Дастлабки қадам сифатида ногирон ва ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларга 45 килограммдан ёғ, 200 килограмм гуруч, ўзимизда етиштирилган бошқа маҳсулотларни ҳадя қилдик. Бу хайрли ва савоб ишни йил бўйи давом эттирамиз. Зеро, муҳтожлардан ёрдамни аямаслик ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

Суҳбатдош: Комил САХАТОВ, "Адолат" мухбири.

14 январь - Ватан ҳимоячилари куни

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Қуролли Кучларимиз катта ўзгаришларга юз тутди. Бу муваффақиятлар, аввало, мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва замон талабларига тўла жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучларда хизматни ўташ тизимини тубдан яхшилаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимоячиси обрўсини янада ошириш, шартнома асосидаги армияни яратиш, ҳарбий тайёргарликни ўтаган таркибни тайёрлаш ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддатларини қисқартириш, чақириқ ошоралигини таъминлаш, чақириқ комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунда мавжуд. Ҳарбий хизмат тизими ҳамда давлат ҳокимияти органлари, ҳарбий бошқарма, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз Қуролли Кучларига яхши тайёргарликка эга ёшларни танлаш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўналишлари ўз ифодасини топган.

Мустақил Ватанинг билан фахрланиш, унинг хизматига ярашигни ҳис қилиб яшаш — улуғ бахт. Подполковник Бахтиёр Иброҳимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб, эл-юрт хизматида сергак, қалбида миллий ғурур туйғуси барқ ураётган Ватан ҳимоячилари билан суҳбатлашиб, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Бу ерда аскарларнинг жисмонан бакувват, замонавий ҳарбий техника билан тиллаша оладиган ва маънавий-жанговар тайёргарлиги юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришишнинг бош омилидир. Қисм командирининг ўринбосари Раҳимжон Алиматовнинг айтишича, бунда, айниқса, давлатимиз рахбарининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китоби бўйича ўтказилаётган семинар ва маърузаларнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

— Мен муддатли ҳарбий хизматда бўлишни жуда ҳам орзу қилардим, — дейди оддий аскар Даврон Тошбоев. — Шу боис Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, туман мудофаа бўлимида барча кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтдим. Энг муҳими, бугун биз кимга ва нима учун хизмат қилаётганимизни яхши англаймиз.

— Мустақил ҳаётимдаги бу илк қадам, ўйлайманки, келгуси умр йўлимни белгилаб беради, — деб унинг фикрини давом эттирди Умид Аҳроров. — Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ички ишлар идораларида ишлаб, юртимиз корига яраш ниятидаман.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби бўйича бу ерда ҳам шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири - фарғоналик кичик сержант Носирхўжа шундай дейди:

— Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилга, олий маълумотлилар учун тўққиз ойга қисқартирилиши айни муддао бўлди. Бу муддатда йигитларимиз ҳарбий хизматнинг дастлабки қўникмаларини ўрганиб қайтади. Қолаверса, бугунги армиямизда йигитларнинг нафақат соғлиги ёки жисмоний тайёргарлиги, балки ақлий салоҳияти, билими ҳам кўриқдан ўтади. Давлатимиз раҳбарининг миллий армиямиз ҳақидаги китобида «машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантлар»га катта ишонч билдирилган. Китобни ўқиб, беихтиёр ғурурингга ғурур қўшилади.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар Қуролли Кучларимиз қудратини янада оширишга, миллий армиямизни халқимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Партиямиз фаоллари

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН

Эллигинчи баҳорининг гулларини дасталаётган бу инсонни Сурхондарёда танимайдиган киши йўқ. Ҳасан Қўзиев ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари, ташкилотчилиги билан ҳурмат қозонди. У дастлабки иш фаолиятини оддий электр монтёрлигидан бошлади. Ўз касбига меҳр қўйганлиги туфайли «Сурхон» магистрал электр тармоқлари корхонаси раҳбари лавозимигача кўтарилди.

Дастлаб Ҳасан Тўраевич учун ана шу ташкилотга раҳбарлик қилиш осон кечмади. Негаки, электр қуввати билан ишлаётган ташкилотларнинг ҳисоби йўқ. Қолаверса барча туман ва шаҳар хонадонларини доимо нур билан таъминлаб туриш у раҳбарлик қилаётган жамоадан катта масъулиятни талаб этади.

Ҳасан Қўзиевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда анчагина тадбирлар амалга оширилди. Биринчи навбатда ички имкониятлардан самарали фойдаланилди. Ишчи хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратилиб берилди. Нурчиларнинг бугунги меҳнатларини сарҳисоб қиладиган бўлсак, киловаат ҳаво электр узатиш йўлларида шишали ва фарфорли изоляторлар ўрнига "Стеклопластик" изоляторлар ўрнатилди. Натижада электр станцияларининг ҳавфсизлиги таъминланди. Бу каби қатор ижобий ишларда Ҳасан аканинг меҳнатлари беқиёс.

Яқинда биз Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгашининг биринчи котиби Файзулло Сафаров билан мулоқотда бўлдик. У партиянинг жонкуяр аъзолари сифатида Ҳасан Қўзиевнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олди.

– Ҳасан Қўзиев, – дейди биринчи котиб Файзулло Сафаров, – ўз жамоасида фидокор раҳбар бўлиши билан бир қаторда партия ташкилотимизнинг ҳам фаолларидан бири, десам асло янглишмайман. Боиси ўз меҳнат жамоасида партия аъзолари сафини кенгайтириш ва уларга партиямиз қарорларини сингдириш борасида ибратли ишларни амалга ошираётир.

Ҳасан Қўзиев раҳбарлигидаги ташкилотда ўзини меҳнатда кўрсатаётган, касб хизмати юзасидан одамлар олқишини олаётган кишилар кўпчиликни таратиб туришида мазкур жамоанинг хизмати беқиёс. Унинг меҳнати боис «Сурхон» магистрали электр тармоқлари биносининг тармоқ биносини ташкил этади. Жамоанинг иқтисодчиси Давлат Шарипов, реле ва автоматика бошлиғи Равиль Содиқов, Сурхондарё вилояти технологик алоқа хизмати бошлиғи Владимир Жир, Денов юқори кучланишли электр тармоғи бошлиғи Ибодилла Карроматов сингари тажрибали мутахассислар ва партия аъзолари шулар жумласидандир. Уларнинг фидокорона меҳнати ва ғайрат-шижоати туфайли бугунги кунда "Сурхон" магистрал электр тармоқлари корхонаси орқали юзлаб ташкилотлар ва минг-мингларга хонадонлар электр қувватидан баҳраманд бўлишяпти.

Дарҳақиқат, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек Термиз шаҳрининг марказий кўчаларини турли шаклда товланиб нур нинг ташқи кўриниши яхшиланиб, 38 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Катта маблағ эвазига шаҳар кўчаларида гулзорлар барпо этилди. Энг муҳими 10-умумтаълим мактабига катта ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, партиямиз фаоли Ҳасан Қўзиевнинг ташкилотчилик ишлари ва ғамхўрлиги туфайли Термиз шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи ободонлаштирилди.

Ҳа, эл-юрт ташвиши билан яшаётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг аъзоси, фидокор ва жонкуяр раҳбар Ҳасан Қўзиев шундай: ҳаётда тобланган инсон. Унинг яхши ниятлари доимо ўзига йўлдош бўлмоқда, элу юрт дуосини олаяпти.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ, "Адолат" мухбири.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Қумқўрғон туманидаги "Олтин чигит" Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси жамоаси шу кунга қадар 9 минг тонна уруғлик чигитни экиш мавсумига шай қилиб қўйди. Навбатдаги экин мавсуми учун корхона 14 минг тонна юқори сифатли уруғлик тайёрлашни режалаштирмоқда.

Айтиш керакки, "Олтин чигит"да тайёрланган уруғликни мамлакатимизнинг саккиз вилояти хўжаликлари харид қилишади. Экиш мавсуми олдидан ўтказилган вилоятлараро илмий-амалий семинар арафасида ташкил этилган кўргазмада бир неча хил янги пахта навлари намойиш этилди. Семинарда иштирок этган Қашқадарё ва Сурхондарёлик пахтакорлар, мутахассислар уруғликни қайта ишлашнинг бир неча турлари билан таништирилди.

Айниқса Италияда тайёрланган чигит экиш қурилмаси кўргазма қатнашчиларининг эътиборини тортди. Зеро, хорижда ишлаб чиқарилган мазкур ускуна ўзининг нихоятда тежамкорлиги билан ажралиб туради. У уруғлик чигитни қарийб уч баравар тежайди. Ҳосилдорлик эса сезиларли равишда ошади.

Навбатдаги экин мавсумида вилоят далаларида ушбу техника синовдан ўтказилади.

Алишер Азимов, "Туркистон-пресс"

Одатда янги йилда одамлар бир бирига яхши тилаклар айтадилар. Хусусан, Оққўрғон тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳам бутун Ўзбекистон халқини севимли байрам билан қутлаб, янги йилда уларга бахт саодат, омад, энг кераклиси мустаҳкам соғлик тилайди. Ҳа, эзгу тилак яхши нарса. Шундай шодиёна кун арафасидаги дил изҳори амалга ошса деймиз.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Аммо шуни таъкидлаш керакки, айтилган яхши гаплар, эзгу тилакларнинг рўёбга чиқиши ўзимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, ҳозир қайси бозорга борманг, қўрқаписа, аланг-жаланг қилиб, ўғри мушукдек баклашкаларга солинган пахта ёғи сотаётганларга кўзингиз тушади. Нархи ҳам қиммат эмас. Харидор эса: "оила бюджетига яхшигина фойда бўладиган бўлди", деб индамай олаверади. Лекин у мой эмас, захри қотил сотиб олаётганини билармикин?

Албатта билмайди. Арзимаган пулни иқтисод қиламан деб, бебаҳо соғлиғидан айрилиб қолишини ўйламайди. Мутахассисларнинг маълумотларига назар соладиган бўлсак, эрта баҳорда чигит яхши униб чиқиши учун туксизлантирилиб кимёвий дори билан ишлов берилади. Ғўза вегетацияси даврида яна бегона ўтларга, турли касаллик ва зараркунандаларга қарши ҳар хил заҳарли моддалар сепилади. Тупроққа нитрат солинади. Ана шу заҳарларнинг бир қисми чигитга ўтади.

Агар чигитни эзиб, ёғини олинадиган бўлса, ўша ёғда ҳам заҳарли моддалар бўлиши шубҳасиз. Ушбу модда соғлом одамга тезда таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Бироқ мунтазам равишда тозаланмаган ёғни истеъмол қилганлар тузалмас хасталикка чалиниши эҳтимолдан холи эмас. Ана шундай тозаланмаган, таркибида заҳарли моддалар бўлган ёғ асосан мойжувозларда олинади. Бозорларда хуфёна сотилаётган пахта ёғлари эса, айнан шундай мойжувозлар орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, агар сўрасангиз, сохта мойфурушлар унинг сифатлилигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмайдилар.

Оққўрғон тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими Туман Ички ишлар бўлими, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда қўлбола ёғ ишлаб чиқарадиган цехларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш, шу йўл билан аҳоли саломатлигини сақлаш ишига жиддий масъулият билан қараётир. Турли йўллар билан уларни фош этиб келмоқда. Хусусан ўтган уч йил, яъни 2001 йилнинг сўнги уч ойи ва 2002, 2003 йиллар мобайнида туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва қўлбола ёғ ишлаб чиқарадиган 23 та цех аниқланди. Улардан 20 тоннадан зиёд чигит, қарийб 700 килограмм тозаланмаган пахта ёғи, 4,6 тонна кунжара ашёвий далил сифатида олинди.

2003 йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Оққўрғон тумани теграсида қўлбола ёғ ишлаб чиқарувчи 8 та яширин цех аниқланди. Ноқонуний равишда, сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлар устидан 5 та жиноий, 3 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 8,5 минг килограммга яқин техник чигит, ёғ, кунжара ашёвий далил сифатида олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Жумладан, ўтган йил олинган тезкор маълумот асосида Рустам Абубакировнинг уйи қўздан кечирилганда у бемалол мойжувозда қўлбола ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Қонунбузардан: "Мойжувоз аппарати, 1444 килограмм техник чигит, 54 килограмм ўсимлик ёғи, 117 килограмм кунжара қаердан келди?", деб сўралганда ёғ ва кунжарани ўзи ишлаб чиқарганлигини айтди-ю, чигитни қаердан олганлигини айтолмай талмовсиради.

"Озод" ширкат хўжалигида яшовчи Нишонбой Холтўраев ҳам уйида ёғ тайёрлаб сотишга "ихтисослашган" қонунбузарлардан бири экан. Шуниси ажабланарлики, Нишонбой тавбасига таянмайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди.

Давоми 2-бетда

Қилмиш қидирмиш

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

— Намангандаги "Атлас" акциядорлик жамияти жамоаси янги йилни муносиб меҳнат ютуқлари билан қаршилади. Ўтган йилнинг апрель ойида акциядорлик жамияти Жанубий Кореянинг "Ай-Ди-Эм" корпорацияси билан ҳамкорликда пиллакашлик фабрикасини технологик жиҳатдан қайта қурди, — дейди корхона раҳбари Маъруфжон Эгамбердиев. — "Туркистон-пресс" мухбирига.

— Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўмагида "Ўзбек ипаги" уюшмаси томонидан Жанубий Кореянинг "Эксимбанк"идан бир миллион саккиз юз минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, фабрика деярли қайта қурилди. Хориждан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда мазкур корхонада етти юз нафарга яқин ишчи-хизматчи ва техник ходимлар икки сменада ишламоқда. Корхонада ҳозиргача 56 тоннадан зиёд жаҳон андозаларига мос келадиган табиий ипак ишлаб чиқарилди.

— Маҳсуолтларимизнинг асосий қисми Жанубий Корея, Россия ва республикамизда фаолият юритаётган Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасига юборилмоқда, — дея сўзида давом этди Маъруфжон Эгамберидев. — Асосан энг сара пилладан ипак тайёрлаймиз. Харидорларга фақат олий сифатли маҳсулот етказиб беришимиз лозим. Сифати паст пиллалар эса қўшни цехда қайта ишланади. Чиқитсиз технологияга ўтиб ишлаётганимиз иқтисодий кўрсаткичларимизни яхшилашга ёрдам бераяпти.

Бугуннинг гапи

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ, РИЗҚИМИЗ БУТУН

чунки шунга яраша ишлаяпмиз, меҳнат қиляпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Хоразм вилоят "Матлуботсавдо" ҳудудий акциядорлик компанияси раиси Сапарбой МУРАТОВ

— Жамиятимизда дунё тажрибасига таяниб мулкдорлар синфини шакллантириш ва уни талаб даражасига кўтариш орқали давлат иқтисодиётини, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга эришиш мақсадида, бизда қонунлар, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар энг аввало иқтисодий ислоҳотларнинг негизи — кичик ва ўрта бизнесни молиявий, ҳуқуқий, технологик ҳамда бошқа муҳим ахборотлар билан таъминлашга қаратилган ва айни пайтда бу ҳужжатлар иқтисодий ривожланишнинг янги кўринишларини шакллантиришга хизмат қилади.

Айниқса, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги "2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 78-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" компаниялари ва "Маиший хизмат маркази" очиқ акциядорлик жамияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантириш дастурлари маъқулланган. Шунга кўра мазкур қарор қабул қилинган кундан буён жойларда аҳолининг чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, уларнинг тармоғини, айниқса, хизматлар кўрсатиш даражаси республика бўйича ўртача даражадан паст бўлган минтақаларда янада кенгайтириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Худди шундай жараён Хоразм вилоят "Матлуботсавдо" ҳудудий акциядорлик компанияси тизимида ҳам қизғин кечмоқда. Масалан, жорий йилнинг 11 ойи мобайнида тизимдаги 54 та савдо шаҳобчаси ва 26 та умумий овқатланиш корхонаси қайта таъмирланди. Шунингдек, яна ўнга яқин савдо тармоқлари ва кичик ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириш ҳисобига 100 дан ошиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Масалан, беларусиялик ҳамкорлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ Минск шаҳрига ўтган 11 ой давомида 180 тонна қуритилган мева жўнатилди. Булар эвазига қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника ва эҳтиёт қисмлар олинди. Айниқса, ташкилотимизнинг халқаро ҳамда республикамизнинг ўзида ўтказилган бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларида қатнашиши ўзининг ижобий самарасини берди. Яъни, бу жараёнда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларнинг олди-сотдиси бўйича 2 миллиард 800 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлинди.

— Аҳолининг, шунингдек бошқа бир қатор ташкилотларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида ҳам амалий ишлар қиляпмиз. Масалан, ўтган йилнинг 11 ойи давомида 33 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрланиб, аҳолига ва давлат таъминотидаги корхоналарга етказиб берилди.

— Албатта, юқорида келтирилган рақам ва далиллар компаниянинг фаолият йўналишидан ташқарида амалги оширган ишлари. Унинг асосий фаолияти, хусусан, аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатиш борасида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Компаниямиз вилоятимизнинг 1 миллион 252 минг нафар аҳолисига савдо хизмати кўрсатади. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида тизимимиздаги савдо ташкилотлари 12 миллиард 226 миллион 404 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари сотди. Шу тариқа банк кассаларига 9 миллиард 9 миллион 370 минг сўм нақд пул кирим қилинди. Бу аҳоли жон бошига 11 минг сўмдан ортиқроқ кўрсаткични ташкил этади.

— Давлат фондидан ажратилган маҳсулотлар ҳажмичи?

— Вилоятимиз аҳлига давлат томонидан ўн бир ойда 14 миллион 608 минг 400 килограмм ун, 1 миллион 967 минг 400 килограмм ўсимлик ёғи, 3 миллион 954 минг 600 килограмм шакар, 772 минг 800 килограмм хўжалик совуни етказиб берилди.

— Сизнингча сотилган маҳсулотлар вилоятнинг миллиондан ошиқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжини тўлиқ қондирадими?

— Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам биз марказлашмаган маблағлар ҳисобидан 4 миллиард 31 миллион сўмлик қўшимча, яъни, 514 тонна ўсимлик ёғи, 1150 тонна шакар, 492 тонна макарон, 504 тонна туз, 387 тонна чой, 2736 яшик гугурт келтирилди сотдик. Бундан ташқари 3 миллиард 108 миллион сўмлик озиқ-овқат, 923 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдога чиқарилди. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истардим. Яъни, тизимимизда кичик ва ўрта қувватга эга бўлган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналаримиз бор. Мазкур корхоналаримизда ўтган йилнинг ўн бир ойида 548 миллион 166 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқилиб, аҳолига сотилди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган компания ташкилотлари таълим муассасаларига ҳам хизмат кўрсатар экан...

— Тўғри. Компаниямиз нафақат истеъмол бозорини зарур маҳсулотлар билан тўлдириш орқали вилоятда пул эмиссиясини қисқартиришга кўмаклашишни, балки умумий овқатланиш шаҳобчаларида, айниқса, туманларда жойлашган мактаб, лицей, коллежларнинг ошхона ва буфетларида ҳам сифатли хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу маънода ҳозирга қадар таълим муассасаларидаги ошхона ва буфетларнинг барчаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ишга туширилди.

— Сир эмас, жуда кўп жойларда бўш, қаровсиз аҳволда қолган савдо шаҳобчаси биноларига дуч келамиз. Бу ҳолнинг олдини олиш учун сизларда қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳақиқатдан ҳам бундай бинолар бизда ҳам топилади. Аммо унинг аксарияти хусусийлаштирилган, лекин мулк эгалари бинодан унумли фойдаланмаётган ёки савдо учун номақбул — чекка жойларда (бир пайтлар узоқни кўзланмай қурилиб қолган) жойлашган бўлиб чиқиши мумкин. Биз буларни Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган 78-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида бевосита вилоят ҳокимлиги вакиллари билан биргаликда хатловдан ўтказдик. Шу тариқа бўш бинолларда замонавий минимаркетлар ташкил этиш ёки ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш учун махсус дастур ишлаб чиқдик. Айрим жойларда қўшма корхоналар тузиш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалалари кўрилмоқда.

— Диққатингизни яна бир масалага қаратмоқчи эдим: соликчи ёки бошқа назоратчилар жуда кўпчилик ҳолларда савдо иши — пуллик ҳисоб китобларни назорат қилувчи назорат касса аппаратларининг йўқлиги ҳақида гапиришади. Сиз раҳбарлик қилаётган тизим савдо корхоналарида бу масала қандай ҳал этилган?

— Нокамтарликка йўймангу, бу масалада бизнинг юзимиз ёруғ. Чунки, савдо шаҳобчаларимизнинг барчаси фиксал хотирага эга бўлган назорат касса аппаратлари билан тўлиқ таъминланган.

Суҳбатдош: Саидолим АБДУРАҲМОНОВ, "Адолат" мухбири.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Боши 1-бетда

Сабаби, у илгари ҳам сифатсиз қўлбола ёғ тайёрлаб қўлга тушган ва Ўзбекистон ЖКнинг 171-модда, 1 қисми билан айбдор деб топилиб, жазога тортилган. Аммо, "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, у 2003 йил 7 январь куни бўлимимиз ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда яна тумшуғидан илинди. Нишонбой Холтўраевнинг хонадонидан ашёвий далил сифатида 1485 килограмм техник чигит, 32 килограмм ўсимлик ёғи, 30 килограмм қунжара олиб қўйилди ва жиноий жазога тортилди.

Шу йилнинг 26 март куни ўтказилган тадбирда ҳам "Султонобод" ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Эргаш Дўстбековнинг хонадони кўздан кечирилди. Қарасак, унинг омборхонасида 4800 килограмм техник чигит сақлаб қўйилибди. Суриштирувда маълум бўлишича, у ушбу чигитдан ёғ олишни режалаштирган экан.

Бўлимимиз ходимлари нақд пул тушумларини банкка топширмай айлантириш каби ноқонуний ишларга барҳам бериш борасида ҳам талай ишларни амалга оширдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қонунбузарлар қарийб 46 миллион сўм нақд пулни банк муассасаларига топширмай ўз манфаатлари йўлида ишлатганликлари аниқланди. Натижада улар устидан жиноий ва маъмурий ишлар очилиб, қилмишларига яраша жазо олдилар. Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтирмоқчиман.

Оққўрғон туманидаги Олимкент қўрғонида "Акмал" хусусий фирмаси мавжуд. Ушбу фирма асосан чигитдан ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Шуниси диққатга сазоворки, тумандаги айрим фермер хўжаликлари ушбу фирмадан ёғ сотиб олишда қонун бузилишига йўл қўйган.

Масалан, тумандаги "Қаҳрамон" ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган "Хўжаобиддин" фермер хўжалигининг бюджетдан 2 миллион 252 минг сўм қарзи бор эди. Шундай бўлса-да, бюджет олдидаги қарзларини тўлашдан бош тортиб, "Акмал" хусусий фирмасига маҳсулот сотиб олиш учун 2 миллион 217 минг сўм нақд пул тўлаган. Ушбу қонунбузарлик аниқлангач, фермер хўжалиги раҳбари Ю.Меносмоновга нисбатан содир этган ҳаракати учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-модда 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Фермер хўжалигининг илгариги фаолияти тафтиш қилинганда 2002 йил мобайнида Меносмонов 7 миллион 436,8 минг сўм нақд пулни банкка топширмасдан ишлатиб юборганлиги ҳам аниқланди.

2003 йил июнь ойида тумандаги "Қонқа" ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган "Атаммекен" фермер хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 264-сонли ва 280-сонли қарорлари талабларининг бажарилиши юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилди. Текширув давомида "Олимкент" пахта тозалаш корхонаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош иқтисодчиси Э.Турдикулов фуқаро М.Азимов билан жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда "Акмал" фирмасидан "Атаммекен" фермер хўжалиги номидан 3076300 сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб олиб, ноқонуний фойда кўрганлар. Хусусан, 2003 йилнинг 5 ойи мобайнида "Акмал" хусусий фирмасидан 3572 килограмм ўсимлик ёғининг ҳар бир килограммини 733 сўм 65 тийиндан, 9500 килограмм қунжаранинг ҳар бир килограммини 50 сўмдан, 12 тонна шелуханинг ҳар бир килограммини 17 сўм 35 тийиндан олиб сотишган. Аммо ушбу маҳсулотлар фермер хўжалигига кирим қилинмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарлар ўзларини қанчалик учар, чаққон, қўлга тушмас абжирлар деб санамасинлар барибир узоққа боролмайдилар. Чунки улар шохида юрсалар, ҳушёр ҳуқуқ посбонлари, қонун ҳимоячилари баргида юрадилар. Шундай экан, яхши ният билан юртимизга кириб келган янги йилда қонунбузарлар қадамларини ўлчаб босганлари маъқул.

Ғуломжон МАМАДАЛИЕВ, Оққўрғон тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи,

Каримжон РИХСИЕВ, "Адолат" мухбири

Ўзбекистон ва Швейцариянинг "Олоттекс" қўшма корхонаси ўз фаолиятининг дастлабки ярим йиллигида 809 минг погон метр дағал газламаларни импорт қилди.

МУҲИМИ СИФАТ

— Корхонамиз 2003 йилнинг ёзида иш бошлади, — деди қўшма корхона раҳбари Жуманазар Абдуназаров "Туркистонпресс" мухбирига. — Унинг низом жамғармаси 9 миллион 402 минг АҚШ доллари миқдорида шакллантирилди. "Бухоротекс" акциядорлик жамияти ва Швейцариянинг "Виматекс" компаниялари унинг муассислари бўлишди.

Айтиш керакки, қўшма корхонага Швейцариянинг "Зулцер Рути", Германиянинг "Трюштлер" ва Чехиянинг "Элиттекс" фирмаларида тайёрланган ускуналар ўрнатилди. Қўшма корхона йилига 2 минг 959 тонна калава ва 6 миллион погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ҳали тўла қувватга эришганимизча йўқ, — деди Ж.Абдуназаров. Аммо бу ишнинг бошланиши, жорий йилда албатта тўла ишлаб чиқариш қувватига эришамиз.

А.КУДРАТОВ.

ГУЛИСТОНДА ГУЛЛАЁТГАН МАСКАН

Маълумки Шарқнинг бозорлари азалдан машҳур бўлган. Улар муайян давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, қолаверса, сиёсий қудратини, ўз халқи манфаатларига эътиборини акс эттириб келган. Юртимиз мустақилликка эришгач, бу масалага айниқса алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бозорларни замон талаби даражасига етказишга аҳамият берилмоқда. Янги қурилишлар ҳисобига нафақат харидорларга, балки, сотувчи ва тадбиркорларга ҳам қулай шарт-шароитлар яратилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори шу катта мақсадларни амалга оширишни жадаллаштирмоқда. Хусусан, ҳозирга қадар жойлардаги савдо марказлари қарор талаблари бўйича ихтисослашиб улгурди. Масалан, «Гулистон шаҳар деҳқон бозори»да ҳам аҳвол тубдан ўзгарди. Вазиятлар мазкур ҳиссадорлик жамиятининг аҳволи яқин яқингача танг ҳолатда эди.

Масалан, ҳиссадорлик жамиятининг турли туман ташкилотлардан кредиторлик қарзлари 900 минг сўмга, иш ҳақи бўйича 1 миллион 538 минг сўмга, пенсия фонди ва ажратмалардан 416 минг сўмга, бошқа тўловлар эса 250 минг сўмга бориб етганди. Бу ҳол эса жамоани тобора қолоқлик ботқоғига суриб борарди. Албатта, мазкур кўрсаткичлар 2003 йилнинг 1 январига қадар давом этди.

Чунки шундан сўнг раис ўзгарди. Энди раҳбарлик "жилови" қатъиятли, энг муҳими кўпни кўрган тажрибали инсон — Ўрол Маматқулов қўлига ўтди. Ўз навбатида вазият ҳам ўзгарди. Аниқроғи, йиллик режа 83 миллион 967 минг сўм ўрнига, 5 миллион 366 минг сўм ортиғи билан 89 миллион 333 минг сўм миқдорида бажарилди.

— Ходимлар маошсиз ишларди — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Ўрол Маматқулов. — Эндиликда наинки маошни ўз вақтида беряпмиз, балки, иш ҳақини аввалгига қараганда 35 фоизга оширдик. Шунингдек, кўрилган фойда, даромадлар ҳисобига 100 та тош-тарози жамламаси ва яна 50 та тарози палласи сотиб олдик. Савдо расталарини тўлиқ таъмирдан чиқардик. 120 та янги савдо шаҳобчасини қуриб фойдаланишга топширдик. Айни дамда бозор ҳудудини кенгайтириш учун қўшимча ажратилган 2,2 гектар майдонда лойиҳалаш ва ер ишларини олиб боряпмиз.

Раиснинг таъкидида жон бор: Зеро, бозор дарвозасидан кириб борсангиз, савдо расталаригача бўлган кенг ва узун йўлакнинг икки томони дўконлар, пуллик хизмат кўрсатувчи шаҳобчалар, минибанк сингари изчил бинолар билан салобат касб этиб туради. Бозор ҳудудини яқиндагина тўлиқ асфальтдан чиқарилганлигининг ўзи бир таъриф, янги таъмирдан чиққан расталар эса деҳқону, боғбон, соҳибкорушоликорлар етиштирган маҳсулотлар билан янада серфайз кўринади.

Эскилар топиб айтган: "Қай бир юрт маданиятини билмоқ истасанг, ўша юрт бозорини бориб кўр. Зеро, бозор кўзгу — у сенга ўша халқ ҳаётидан истаганча дарак беради". Ҳақ гап, мазкур бозордаги ораслик, саромжонсаристалик меҳнаткаш Гулистон аҳлининг бугунги осойишта ҳаётидан сўйлаб турарди.

Нилуфар НОРМАТОВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
«ПАХТАСАНОАТ»
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ
ЖАМОАСИ

халқимизнинг мард ва жасур ўғлонларини, тинчлигимиз ва осойишталигимиз посбонлари — сарҳадларимизнинг сергак ва садоқатли қўриқчилари бўлмиш аскар ва зобитларимизни
14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.

Тинчлик — бу бебаҳо неъмат. Уни доимо асрашимиз ва қадрига етишимиз лозим. Бу қадар шарафли ва мардонавор ишни ўзининг муқаддас бурчи деб билгучи матонатли ўғлонларимиз, довюрак фарзандларимиз бахтимизга саломат бўлишсин! Осмонимиз мусаффолигини таъминловчи Ватан ўғлонларига Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

ҲАЁТ ВА ҲУҚУҚ №9

Суд ислоҳоти

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОШ МЕЗОН

Мамлакатимизда судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Адолатли ва фаровон фуқаролик жамияти қуришнинг асоси айнан шу соҳадаги ижобий ўзгаришларга боғлиқлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов доимо таъкидлаб келмоқдалар. Хусусан, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш ҳақида тўхталиб, амалдаги устувор йўналишлардан бири суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш зарурлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, "Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар". Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард натижаси қонун устуворлигини таъминлаш, том маънода адолатга эришишга олиб келиши лозим. Бундай ислоҳотларнинг мақсади, мазмуни ва йўналишлари жамият ижтимоий ҳаётида адолатнинг барқарор бўлишини таъминлашга, кишиларда қонуннинг кучи ва ролига ишончни оширишга, шахс, жамият ва давлат муносабатларида изчилликни ва ўзаро мутаносибликни таъминлашга қаратилган. Қолаверса, бундан суд ҳокимиятини том маънода мустақил ҳокимият бўлишини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият билан тенг тарзда салмоқлилигини таъминлаш, судларни жазо берувчи органлар эмас, балки, авваламбор, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи асосий давлат органига айлантириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Ўзбекистонда судларнинг ихтисослашуви жорий этилди, яъни умумий юрисдикцияли судлар фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилди. Бундай ихтисослашув судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлаган. Шунингдек, ишларни кўришда йўл қўйиладиган хатоларни, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабаб бўлаётган объектив ҳолатларни бартараф қилмоқда.

Суд тизимини ислоҳ қилишда демократик талабларга мос келадиган янгича ўзгаришлар амалга оширилди. Шу ўринда Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси билан қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши жиноят қонунчилик сиёсатини ва жазо тизимини тубдан ўзгартирди.

Чунончи, жиноят кодексида жиноятларни таснифлаш мезони ўзгарди. Хусусан, илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлиб, унча оғир бўлмаган жиноятларга эса қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилган эди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш натижасида жиноят кодексидаги 87 та моддда жиноят таркиби бўйича жазо санкциялари бир мунча енгиллаштирилди, улардан 26 тасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди.

Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг мол-мулкни мусодара қилишни кўзда тутувчи 53-моддаси чиқариб ташланди.

Шунингдек, қонунчилигимизда илк бор ярашув институти жорий қилиниб, ушбу моддага мувофиқ айрим тоифадаги жиноятларни содир қилган шахслар ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Иқтисодий соҳадаги жиноятлар бўйича ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди, уларга биноан етказилган моддий зарар қопланган тақдирда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланади. Собиқ шўролар даврида юз минглаб одамларнинг ёстиғи қуришига улар қилган катта ёки кичик жиноятлар эмас, балки кўп ҳолларда қонунларнинг ўта ғайриинсонийлиги ҳамда жаҳолатга асосланганлиги бўлди.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихида илк маротаба умумий юрисдикция судларида ҳам суд қарорлари ва ҳукмларнинг қонунийлигини кўриб чиқувчи энг муҳим институтлардан бири – ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши жорий этилди. Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса фуқаролар ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини анча кучайтиради.

Маълумки, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Конституциянинг 114-моддасида "Суд органлари чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб таъкидланади. Ўз навбатида бу меъёр Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги, "Суд органлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги каби қонунларида ҳам ўз аксини топган. Зеро, суд органлари ҳужжатларининг ўз вақтида ва лозим даражада ижро этилмаслиги суд ҳокимияти обрўсига ҳам, давлат ва жамият обрўсига, манфаатларига ҳам путур етказади. Одамларнинг судга ишончи сусаяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу билан судларнинг чиқарган ҳужжатлари ижросини таъминлаш махсус органга юклатилиб, ижро борасидаги кўплаб муаммолар ҳал этилди. Чунончи, аввал суднинг мол-мулкни ёки нақд пулни ундириш (айниқса, ташкилот, корхона, муассасалар ўртасидаги муносабатларда) тўғрисидаги қарори гоҳида йиллаб бажарилмай ётаверарди. Бунинг оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни эса тасаввур қилиш қийин эмас. Бундан ташқари, мазкур ваколатли орган судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш каби ишларни ташкил қилади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган "Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори", деб номланган маърузасида 2004 йилни мамлакатимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилганлигининг ўзи ҳам жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқлари нафақат қонунлар, балки халқимизнинг ўзини ўзи англаш, унинг аҳлоқий тажрибаси билан ҳам мустаҳкамланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг фаолият кўрсатаётганлиги фақат том маънодаги ҳуқуқий демократик жамият қуришга интилаётган давлатгагина хос хусусиятдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институтининг вазифаларига амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш, қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва бошқалар кирса, Омбудсман фаолиятига давлат органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Омбудсман орқали парламент доимий равишда мамлакатда инсон ҳуқуқларига нечоғли риоя этилаётганлигидан хабардор бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази миллий ҳаракат режасини, шунингдек Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва бошқа вазифалар билан шуғулланади. Бу билан қонунчилик фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида кўпроқ нималарга эътибор бериш лозимлигини англаш имконияти туғилади.

Ахмаджон ИСМОИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг бўлим бошлиғи.

Жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали воситаларидан унумли фойдаланиб келаётган Жиззах шаҳар прокуратураси ходимлари маҳаллалар билан яқин алоқа боғлаб яшилишмади. Бунинг натижасида шаҳарда кейинги пайтда айрим жиноятларнинг камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, ўғирлик, гиёҳванд моддаларни сақлаш, безорилик каби жиноятлар, қолаверса, вояга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг камайганлиги бунинг ёрқин далилидир.

– Жиноятчиликка қарши курашишда нафақат маҳаллалар билан балки таълим муассасалари, меҳнат жамоалари билан ҳам баҳамжиҳат иш олиб бораяпмиз, – дейди Жиззах шаҳар прокурорининг ўринбосари Ойбек Каримов. – Жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар ўзининг самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, "Интилганга толе ёр" деб бежиз айтилмаган. Шаҳар прокурорининг ўринбосари Ойбек Каримовнинг ўзи ҳам бу борада тиним билмай меҳнат қилмоқда. Тез-тез меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб бу борада катта тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Суратда: шаҳар прокурори ўринбосари Ойбек Каримов "Олмазор" маҳалласи оқсоқоли Ғани Обидов, маҳалла имоми ва фаоли Ризохон Поршахонов ва "Жиззахлик" маҳалласи оқсоқоли Маматқул Орифжонов билан "Меҳр ва мурувват йили"да қилинадиган ишларни белгилаб олмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ҳар бир мамлакат тараққиёти жамиятдаги қонун ва ҳукумат қарорларининг ижроси қанчалик таъминланиши билан белгиланади. Бошқача айтганда, хоҳ у ишлаб чиқарувчи, хоҳ тадбиркор, тижоратчи ёки оддий солиқ тўловчи бўлсин, унинг қатъий қонунларга амал қилиши билан жамиятдаги фаоллиги ортиб боради. Бордию, акс ҳолда бўлса...

ХАЛҚУМДАН ЎТМАГАН ҲАРОМ ЛУҚМАЛАР

Суд остонасида сарғаяди, керак бўлса қонун талаблари билан жазоланади жуда бўлмаганда олғирлик билан топганларини бирйўла давлат фойдасига топширади ва жарима тўлайди.

Афсуски, бу каби нохуш ҳолатлар кейинги пайтларда тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Паркент тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан ўтган йили ўтказилган қатор ҳужжатли ва қисқа муддатли текширувлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Улардаги 13 та ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қатор моддаларига мувофиқ жиноят иши қўзғатилган эди. Ҳозирга қадар ушбу жиноий ишларнинг 10 таси жиноий ишлар бўйича Паркент тумани суди томонидан кўриб чиқилиб, ўзининг қонуний "баҳоси"ни олди. Эндиликда қолган жиноят ишларини тафтиш қилиш давом эттирилмоқда. Яна бир жиноий иш бўйича эса туман прокуратураси тергов ишларини олиб бормоқда.

Бу қўзғатилган жиноий ишлар бўйича 1 миллион 559 минг сўмлик товар моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди. Шунингдек, яна 11 миллион 22 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 6 миллион 626 минг 700 сўми бюджетга ундирилди. Яна кўриб чиқилган 62 та материалнинг 45 таси бўйича 45 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 1 миллион 485 минг 400 сўмлик жарима ундирилди. Қолган 27 нафар шахсга нисбатан суд орқали 494 минг сўм маъмурий жарима қўлланиб, 1 миллион 870 минг 600 сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди.

Албатта, бу ҳолатларни содир этаётганлар — орамиздаги одамлардир. Уларнинг бирови акамиз, бирови бошқа бир яқин қариндошимиз, жуда бўлмаганда девор-дармиён қўшнимиз энг муҳими юртдошимиз. Айтмоқчимизки, кези келганда оғзингда чайнаб турган нонингни ҳам ютолмай қолишинг мумкин. Насиб этмаганидан кейин аслида шу-да. Дарвоқе, ҳаром луқма ҳеч қачон, ҳеч кимга юқмайди. Буни кўпчилигимиз яхши англаб олсак, айни муддао бўлур эди.

Хожибой АСҚАРОВ,
Паркент тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

ЭРТАНГИ КУННИНГ ЭГАЛАРИ

улар албатта билимли, ҳуқуқий маданиятли бўлишлари керак

Сир эмас. Сўнгги ўн бир йил мобайнида мамлакатимизда "Ўзбекистон халқи" деган аҳолининг янги ижтимоий бирлиги пайдо бўлди. Ўз навбатида ушбу ибора билан тенгма-тенг "Ўзбекистон ёшлари" деган бирикма ҳам нутқимизда тез-тез қўлланилмоқда. Чунки, кейинги пайтларда ёшларимиз орасидан ўзига хос, интелектуал салоҳиятга эга бўлган ёшлар сафи ажралиб чиқди.

Эндиликда республикамизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасида давом этмоқда. Бу масалага ҳукуматимизнинг ўзи алоҳида эътибор билан қарамоқда. Мамлакатимиз раҳбари шу мақсадда 1997 йил 25 июн куни "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармонга имзо чеккан эдилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни ўз қарори билан тасдиқлаган эди.

Мазкур ҳужжатларда ҳуқуқий таълим ва тарбияни такомиллаштириш бўйича давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини, ҳуқуқий маданиятини оширишнинг илмий асосларини яратиш ҳақида гап боради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг билан бир қаторда республикамизда жамият ҳаётини янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятни қарор топтириш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган кўпгина қонунлар ҳам қабул қилинди. Ушбу қонунлар талабидан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг келажагини белгилаб берадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, билимини ошириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий дастурда "Ҳуқуқий маданият бу умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин" дейилади. Ҳақиқатдан ҳам фуқаро, у ёшдир, қаридир ўзига хос ҳуқуқий маданиятни эгалласа, у қай бир жабҳада фаолият юритмасин, ҳалол нонини бировга олдириб қўймайди. Ўз навбатида бошқаларнинг мулкига ҳам кўз олайтирмайди.

Кўриниб турибдики ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ривожлантиришда ҳуқуқий таълимнинг аҳамияти катта. Улар ўртасида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш учун энг аввало умумтаълим мактабларида, ноюридик йўналишга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳуқуқий билим беришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш зарур. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари, айниқса, Меҳнат ҳуқуқи, Фуқаролик ва Жиноят ҳуқуқи соҳалари ҳақидаги билимларни ёшлар ана шу таълим муассасасининг ўзида олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шунинг билан бир қаторда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш учун телевидение, радио ва матбуот хизматидан ҳам унумлироқ фойдаланилса, бу борадаги мақсад кўлами янада самаралироқ кечган бўларди.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда уларнинг ўқиш ва иш жойларида ҳуқуқий мавзуга оид маърузалар, ҳуқуқий соҳада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ўтказиб бориш ҳам мақсадга элтувчи муҳим омилдир. Шунингдек, ноюридик таълим муассасаларида ўтилаётган ҳуқуқий фанларнинг бугунги кун талаби даражасидан келиб чиқиб, уларнинг мавқейини кўтариш керак. Ушбу фанлардан бири Конституциявий ҳуқуқ фанидан мактаб, ноюридик академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битираётган ўқувчилар учун битирув имтиҳони белгилаш лозим. Бунинг учун энг аввало, ҳуқуқий фанлар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини вақти-вақти билан ошириб туриш зарур. Чунки, қонун ва қоидалар такомиллашиб янгилари қабул қилинмоқда.

Ана шунда Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2001 йил 16 февралдаги 2000 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисда сўзлаган маърузаларида "Энг муҳими, замонавий коллеж ва лицейларда таълим-тарбия ишларини бугунги замон талабига жавоб берадиган юксак малакали, фидоий ўқитувчи ва мураббийлар олиб бориши зарур" деган гапларининг иникосига эриша оламиз. Айни пайтда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини оширишга оид шароит яратган бўламиз.

Дурдона НАЗАРОВА,
Темур МЎМИНОВ,
Тошкент юридик коллежининг ўқитувчилари.

Ҳуқуқшунос мулоҳазаси

МАҲАЛЛА СУДИ

Маҳалла — деганда, биз кўп ҳолларда одамлар яшаб, истиқомат қиладиган маълум ҳудуд — жойни тасаввур қиламиз. Уни бир кичкина давлатга ўхшаш жамоат ташкилоти дейиш ҳам мумкин. Бизнинг диёримизда маҳалла кеча ёки бугун пайдо бўлган жамоа бўлмай, унинг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади.

Маҳаллий халқимизнинг урф-одатлари, анъана, удумларига кўра, шу жамоада яшаб истиқомат қилувчи фуқароларнинг оилавий масалалари, тарбиявий ишлари, тўй тадбирлари, маракалар ўтказиш ва ҳоказолар маҳаллаларда ўз ечимини топиб келган. Бу удумлар асрлар оша тажрибадан ўтган ва халқимизнинг яшаш тарзи, дунёқараши билан уйғунлашиб кетган. Агар бирор ерда яшовчи фуқародан "Сиз қайси жойда яшайсиз?" деб сўрасалар, "Мен фалон маҳаллада яшайман", деб ғурур билан ўз маҳалласининг номини айтади.

Маҳалланинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири у ҳам бўлса, фуқароларнинг инсонийлик, жамоатчилик руҳида яшаш ва улғайишга кўмаклашувчи масканлигидир. Шу боисдан ҳам маҳаллалардаги фуқаролар бир-бирини қўллаб, суяб яшашга, борини ўзаро баҳам кўришга одатланганлар. Шу сабабли ҳам маҳаллада яшовчи фуқаролар ўртасида олиб бориладиган турли тадбирларнинг туб моҳияти одамлар ўртасида меҳр-оқибатлик ришталарини янада ривожлантириш ва уларни мустаҳкамлашни назарда тутади.

Қадим-қадимдан бизнинг халқимиз оиладаги айрим келишмовчиликларни аввало маҳалла аҳлининг муҳокамасига ташлаганлар. Айниқса, никоҳдан ажратиш, мерос, уй-жой, ер, сув билан боғлиқ можароларни ҳал этиш ҳар икки томонлардан обрўли, турмушнинг аччиқ-чучукларию, иссиқ-совуқларини бошидан кечирган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар томонидан ҳал этилган. Низоли иш маҳаллада ҳал этилмаган тақдирдагина қозиларга мурожаат этганлар. Демак, одамларнинг ҳаётий ва мулкий муаммоларидан келиб чиқадиган низоли ишларини ҳал этишнинг биринчи босқичи маҳалла бўлиб келган. Шунинг учун ҳам аксарият низоли ишлар яъни, фуқаролар ўртасидаги олди-бердилар маҳаллада ҳал этилган ва ҳал этилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгунига қадар маҳаллалар тўғрисида, уларнинг фаолияти ҳамда ишларини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинмаган. Шўролар ҳукумати бу масалага эътибор ҳам бермаган эди.

Истиқлол йилларида Президентимизнинг ташаббуси билан маҳаллага оид бир қатор қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясида (1993 йил 2 сентябрда) ва 1999 йил 14 апрелда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қишлоқ, шаҳарча ва овуллар ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилишини ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди.

Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиши, ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашиши, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиши, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш борасидаги муҳим вазифаларни адо этиши кўрсатиб ўтилган.

Маҳаллалар фаолиятига нисбатан ҳукуматимизнинг ижобий муносабатини Ўзбекистон Конституциясида алоҳида ҳуқуқий меъёрда ифода этилганлигидан ҳам англаш мумкин.

Конституцияга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғилишлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш масаласи белгиланган.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари кўрсатилган бўлиб, бунга кўра улар: 1) демократизм; 2) ошкоралик; 3) ижтимоий адолат; 4) инсонпарварлик; 5) маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик; 6) жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборат дейилган; 7) фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари зарур шарт-шароитлар яратиб бериши, шунингдек, уларнинг ишларига аралашмасдан ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларни амалга оширишда кўмаклашиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2003 йил 30 август Қонунига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссияси тузиш тўғрисида янги қоида киритилди. Амалда маҳаллаларда бу тартиб қўлланилиб келаётган бўлсада, эндиликда қонун даражасига кўтарилди.

Ушбу қоидани янада ривожлантириш мақсадида ҳамда суд тизимини ислоҳ қилишга қаратилган тадбир сифатида олиб бориладиган ишлар жумласига маҳалла судларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. Бундай тартиб қадимдан амалиётда қўлланиб келинган. Масалан: Қўқон хонлигида маҳаллаларда раис қозилар бўлган, улар маҳалладаги майда низоли ишларни ҳам ҳал этганлар. Шу боисдан фикримизча, маҳаллалар қошида ташкил этилган яраштирув комиссиясининг ваколатини кенгайтирган ҳолда, унинг номини "маҳалла суди" деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"Маҳалла суди"нинг ваколатига маҳалладош фуқаролар ўртасидаги майда жиноий, оилавий, меҳнат низолари, уй-жой, солиқ билан боғлиқ ва бошқа тўловлар, ердан фойдаланиш, турли мулкий олди-сотди низоларга оид ишлар тааллуқли бўлишини назарда тутиш керак.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси бир вақтнинг ўзида судьялик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бу эса, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фуқаролик жамиятини қуришда давлатнинг айрим ишларини давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат ташкилотларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириши ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлиги ҳақидаги фикрига жавоб бўлар эди.

Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

"ҚЎШНИ-ҚЎШНИГА"

Бектемир тумани ҳокимлигида "Қўшни-қўшнига" мурувват кунлари доирасида хайрия тадбири ўтказилди.

— Мамлакатимизда 2004 йил –"Меҳр-мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Экосан" жамғармаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзтелерадиокомпания билан ҳамкорликда "Қўшни-қўшнига" мурувват кунларини ўтказмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан жамғарма раиси Юсуф Шодиметов. — Мурувват кунлари жамиятимизда меҳр - шафқатга муҳтож ногиронлар ва етимларга, боқувчисини йўқотган кўп болали аёллар ҳамда ёлғиз қарияларга ғамхўрлик кўрсатишга жамоатчилик эътиборини қаратиш, одамларни аҳиллликка чорлаш, қўшничилик муносабатларини яхшилаш мақсадида ташкил этилди.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, мурувват кунлари доирасида "Энг мурувватли қўшни" республика танлови ўтказилади. Танловнинг илк босқичи Наврўз байрамида, иккинчиси эса рамазон ҳайити кунида якунланади. Ночор оилаларга, етимларга, қаровчисини йўқотган серфарзанд оилаларга, ёлғиз қарияларга, умуман ёрдамга муҳтож қўшниларга баҳоли-қудрат кўмак бериш шартларига кўра танлов ғолиблари аниқланади.

Тадбир иштирокчилари жамғарманинг ушбу ташаббусини маъқулладилар. Чунки мурувват — инсоннинг инсонга нисбатан ҳурмати, меҳр-муҳаббатининг амалий тарзда намоён бўлиши, қолаверса, халқимизнинг азалий фазилатларидан бири ҳисобланади.

Учрашув якунида Бектемир туманидаги кам таъминланган оилаларга "Экосан" жамғармасининг 505 минг сўмлик мурувват ёрдами топширилди.

Тарих ва тақдир

СИРЛИ ЎЛИМ ЙЎЛАГИ

ёхуд қадимги буюк салтанатнинг ечилмаган жумбоғи

Арастуннинг суюкли шогирди, Македон ҳукмдори Филипп II нинг ишонган ўғли Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) 20 ёшида буюк салтанатни бошқарадиган бўлди. Энди унинг қалбини туну кун аждарҳодек кемириб, ҳузур-ҳаловатини ўғирлаган жаҳонгирлик орзуларини амалга оширишнинг қулай пайти келган эди.

Искандар тахтга ворислик эҳтиёжи ёки отасининг хоҳиш-марҳамати билан ўтирганмиди? Буюк тахт ожизлашиб шаҳзоданинг кучқувватга тўлишини кутиб қолганмиди? Йўқ! Македон салтанати бу пайтда ҳали кучсизланиб қолмаган, шоҳ Филипп II қариб қуввати кетмаган эди. Лекин бир кечада у сирли ўлим топиб мамлакат тақдири ўғлининг қўлига ўтди. Сарой ичида ва ташқарисида ўнлаб қўриқчилар қуршовида юрадиган, ҳар қандай фалокатни даф эта оладиган баҳодир Македон шоҳининг ғалати ўлими барчани ҳайрат ва саросимага солиб қўйган эди. Бу ҳайрат узоқ вақт тарих қатида жумбоқ бўлиб қолаверди. Искандар эса ўзига теккан қулай имкониятдан фойдаланиб, жаҳонни забт этди. Аёвсиз жангу жадалларда ғалаба қозониб, буюк саркарда номини олди. Бу тарихнинг ҳукмими ёки тақдир кароматими?

Грек тарихчи-файласуфларининг баён қилишларича, ўша пайтларда Македонияда аҳолининг турли қатламлари орасида уруш-низолар авжига чиққан, босқинчилик билан бир-бирининг ерини, мулкини, ҳовли-жойларини тортиб олиш оддий ҳолга айланган эди. Шунинг баробарида ёлланма ишчиларнинг кўпайиши, люмпен-пролетар қашшоқ тўдалари сонининг ортиши ҳар қадамда сиёсий тўнтаришлар хавфини кучайтириб қўйган эди. Шу боис барча грек қабилаларининг ягона байроқ остида бирлашиши, улуғ давлатнинг қарор топишини Филипп ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Лекин халқни қандай тинчлантириш, қайси йўл билан ҳамжиҳатликка эришиш мумкин?

Шоҳ Филиппга грекларни ўз тафаккурига ишонтира оладиган буюк файласуф Суқрот таълимоти ёрдамга келди. Аниқроғи, дунё маданиятини грек маданияти остида бирлаштириш ғояси билан бирга қабилаларга мурожаат қилинди. Ўша пайтда маданият тушунчаси ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳатто ҳарбий тушунчаларни ўз ичига оларди. Бу тушунчаларнинг инъикоси сифатида "Урушларни Форсга кўчирамиз, у ердаги олтинларни эса Грецияга олиб келамиз!" деган шиор майдонга келди. Бу шиор шоҳ Филипп тарафдорларининг кўпайишига, қабилалар ўртасидаги бемаъни урушларни тўхтатишга имкон берди. Кўп ўтмай ҳукмдор ўз саркардалари Аттол ва Парменионни Кичик Осиёга бўлғуси истилога тайёргарлик кўриш учун жўнатди. Улуғ ҳукмдор форслар устига қўшин тортишга шахсан ўзи бошчилик қилишни мўлжаллаб қўйганлигидан ғолиб чиқишига мутлоқ ишонар ва ўзга юртнинг дуру-жавоҳирларига қарахтлигидан ўғли Александрга берган ваъдасини тамоман эсдан чиқариб қўйган эди. Бу қандай ваъда эдию, нега амалга ошмай қолди? Ва форсларга шахсан қўшин тортмоқчи бўлган Филипп нега тўсатдан ўлиб қолди?

Буюк кишиларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи машҳур файласуф Плутархнинг ёдномасида шундай воқеа тилга олинган: "Филиппга Букефални олиб келишди ва бу минилмаган отни ўн уч истеъдод эвазига харид қилишни таклиф этишди. Тулпорни синаб кўриш учун дарҳол майдонга чиқаришди. Лекин таассуфки, Филиппнинг энг моҳир чавандозларидан бирортаси отга яқин йўлай олмади. Арғумоқ ҳар сафар олд оёқларини тик кўтариб, кишнаб қайсарлик қилаверди. Бу манзарадан жиғибийрони чиққан шоҳ отни дарҳол кўздан йўқотишларини буюрди. Шу онда у ўғли ёш шаҳзода Александрнинг "эҳ, афсус биргина шу қўрқоқ одамларнинг нобакорлигидан ажойиб отни бой бераяпмиз-а" деган киноянамо сўзларини эшитиб қолди. Шоҳ аввалига ўзини эшитмаганга олди. Жим тураверди.

Аммо шаҳзода бу гапни такрорлайвергач, у ўғлига, юзланиб: "Сен ўзингдан катталарга дашном бермоқчи бўласан. Улардан теранроқ фикрлай олишингни, отга яхшироқ муомала қилишингни исботламоқчи эдингми?" деб сўради.

— Ҳарқалай, бу отни бошқаларга қараганда яхшироқ фаҳмлашимга кўзим етади, — деди Александр.

— Башарти отни бўйсундиролмасанг беадаблигинг учун қандай жазога тортилишингни биласанми? — деди шоҳ.

— Зевс номи билан қасам ичиб айтаманки, бу ишнинг уддасидан чиқмасам, отнинг баҳосига етадиган пулни мен тўлайман! — деди шаҳзода қатъият билан.

Сарой аёнлари орасида кулгу кўтарилди. Шоҳ Филипп ўғли билан гаровга кўл ташлашди.

Шаҳзода бу келишувдан сўнг от томонга қараб югурди. Келасолиб тулпорнинг жиловидан маҳкам тутиб бошини қуёшга бурди. Жониворнинг ёлларини сийпалаб майдон бўйлаб ёнма-ён чопди. Сўнгра арғумоқ тинчланиб, кўкси тўлиб нафас олаётганини сезгач, сакраб миниб олди. Александр аввалига отни ниқтамай, жиловини силтамай чоптирди. Кейин эса жонивор чавандозга хавф солмай текис югураётганини кўргач, баланд овозда қийқириб товонлари билан ниқтаб отни янада тезроқ чоптира бошлади. Филипп ва унинг яқинлари бу манзарани хавотир билан кузатишаётган эди. Аммо шаҳзода шамолдек учкур отда майдонни чир айланиб қайтгач, унинг шаънига олқишлар янгради.

Шаҳзодадан уддабуронлик сирини сўраган шоҳга у оддийгина жавоб берди: "От кўзи олдидаги шарпалардан ваҳимага тушган эди. Мен унинг бошини қуёшга буриб шарпалардан халос этдим".

Ўғлининг зийраклигидан, чапдастлигидан ҳаяжонланган шоҳ уни бағрига босиб чин оталик меҳри билан ўпди ва шаҳзодага қараб: "Суюклигим, сен энди ўзингга муносиб салтанатни излашга ҳақлисан. Македония сенга торлик қилади." — деди фахр билан.

Шоҳ бу сўзларни саройда эмас, салтанатнинг ўн минглаб фуқаролари тўпланган очиқ майдонда айтган эди. Шу боис майдон аҳли ва Александр бу сўзларни ҳукмдорнинг қасамёди сифатида қабул қилишди. Ахир, шоҳ ҳудонинг ердаги сояси, унинг амри оллоҳнинг инон-ихтиёри билан баробар.

Филипп эса ўзининг бу қасамёдини бузгани боис фалокатга йўлиқди. Эҳтимол, унинг ҳалокатига айни шу қасамёд сабаб бўлгандир.

Шаҳзода Александр бу вақтда айни куч-қувватга тўлган, Арастудан олган илмлари туфайли дунёни ҳаммадан мукаммал илғайдиган инсон бўлиб етишган эди. Унинг нияти ҳали отаси қўл урмаган ишларни уддалаш, дунёнинг катта-кичик ўлкаларини забт этиш, тезроқ жаҳоний шуҳрат қозониш эди. Лекин шаҳзоданинг жаҳонгирлик орзулари ушалмай қоларди. Боз устига шоҳ Форс мамлакатига юриш учун қўшинларга саркардаликни Аттол ва Парманионга ишонгани ва ҳатто Александрни Македонияда қолдириб, шахсан ўзи урушга бошчилик қилмоқчи бўлгани ўғилнинг тоқатини тоқ қилди.

Александр Македония дунёга ҳукмрон мавқега интилаётган вақтда улғайиб ўсди. Шуҳратпарастлик, иззатталаблик болалигиданоқ унинг қон-қонига сингиб кетган эди. Балки шунинг учун ҳам, отасининг ҳар битта музаффар юриши унинг қалбига алам ва изтироб учқунларини соларди. У башарти Филиппнинг ҳукмронлиги шу тарзда давом этаверса, ўзи учун шон-шавкат келтирувчи ҳарбий юришлар туғаб қолишидан хавотирда эди. Ҳа, иззатталаблик ва ҳудбинлик ёш шаҳзодани кўр қилиб қўяёзган эди. Ўша давр файласуфларидан Татианнинг гувоҳлик беришича, ҳатто кунларнинг бирида "бу шашти қайтмаган ўсмир Арастуга ўхшаб таъзим қилмаган ўз дўстини қоплон ёки айиқни қамашга мўлжалланган қафасга солиб юрган экан".

Ҳа, шубҳасиз ёш шаҳзода ҳамма унга таъзим қилишини, бутун дунё ўз измида бўлишини истарди. У ўз иқтидорини, ёшига тенг бўлмаган ақлу заковатини илоҳий фазилат деб билар ва отасининг тезроқ ўзига йўл беришини истарди. Лекин шоҳ Филипп ҳануз ваъдани унутиб қўяётган эди. Бу эса Македония шаҳзодаси қалбида отага нисбатан ихтилоф учқунларини алангалата бошлади.

Бу ихтилоф кекса Филипп оила шаънини назар-писанд қилмай Клеопатрага уйланаётган пайтида янада кескинлашди. Ўшанда Клеопатранинг амакиси Аттол келин-қуёвларга бахт тилаб, парвардигордан келинчакнинг Филиппга ҳақиқий тахт ворисини туғиб беришини илтижо қилган эди. Бундан ғазабланган Александр эса Аттолга қараб "Ярамас, сенингча мен камман, ўйнашнинг ўғлиманми" дея қичқириб косани улоқтириб юборган эди. Филипп эса қиличини яланғочлаб ўғлига ташланди. Лекин ҳар иккиларининг бахтига май ўз ишини қилиб қўйган — шоҳнинг оёқлари чалиниб йиқилган эди.

Чинакам ҳалокат эса кейинроқ рўй берди. Эрамиздан аввалги 336 йилнинг ёз ойида шоҳ Филипп қизининг никоҳ тўйида салтанатдан амфитеатрга ўтиладиган тор ва қоронғи йўлакда жон таслим қилди.

Айтишларича, бу йўлакда қўриқчилар шоҳни қуршаб юришларига имкон йўқ эди. Олдинда қўриқчилардан фақат биттаси Повсаний борар эди. Унинг ортидан оила аъзолари ва шундан кейин қолган қўриқчилар бирма-бир йўлакдан ўтишган. Ҳукмдорга эса тиғни унинг ёнидаги Повсаний санчган. Бу воқеанинг бевосита гувоҳи — ёш шаҳзода ва қотилнинг қочиб кетаётганлигини кўра туриб, уни тутишга ҳаракат қилмади. Демак, бундан хулоса шуки, Филиппга уюштирилган фитнани унинг ўғли Александр бошқарган.

Шундай қилиб, амфитеатрга олиб борувчи тор йўлакда Македониянинг тақдири ҳал бўлди.

Александр Македонскийнинг қўшинлари баланд тоғлардан, жазирама саҳролардан ўтиб, очлиққа, ташналиққа чидаб тилласи, чорваси, кийим-кечакларию, қуллари беҳисоб бўлган мамлакатларни бирин-кетин истило қилишди. Бўйсунмаган шаҳр ва қишлоқларни яксон қилиб, қултепага айлантиришди. Аммо жаҳонни оёқлари остига тиз чўктирмоқчи бўлган Искандар Зулқарнайн бу дунёдан бирор миқдор бойлик олиб кетолмади.

Ривоят қилишларича, Искандар вафот этганидан сўнг ўз қабрини сир сақлашларини сўраган экан. Ғанимлари қабрини топтамасликлари учунми? Ёки тирикликда дунёни зир титратиб, ўлганида шон-шуҳратсиз жимгина ётишни маъқул кўргани учунми... Ҳарқалай, жаҳоннинг фотиҳи учун қазилган қабр жойи ҳанузгача номаълум.

Ҳуррам БАРАКАЕВ,
профессор, тарихнавис олим.
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.
(Давоми бор)

Спортимиз юлдузлари



КАТТА ТЕННИСНИНГ КИЧИК МАЛИКАСИ

Ўзбекистон катта тенниси осмонида яна бир юлдуз яраклади. Унинг пайдо бўлиши нафақат республика, балки Андижон вилояти спорт мутахассислари учун ҳам кутилмаган ҳол бўлди. Кўпчилик назарига илмаган, кичкина мўмин қобилгина қизалоқ кейинги 2 йилда теннис мутахассислари умид боғлаган энг қобилиятли, энг номдор рақибларини доғда қолдирди.

Андижонлик Мазлума Турдиева республикамизда ўтказилган ўнлаб турнирларда пешқадамликни қўлдан бермади. У бир қатор халқаро мусобақаларда ҳам ғолиб чиқди, кўкси медалларга тўлди.

Мазлума – 13 ёшда. Бироқ у нафақат тенгқурлари, балки ўзидан катта рақибларидан ҳам устун эканлигини исботламоқда.

– Аввало Мазлумада туғма истеъдод бор, — дейди унинг теннисдаги ютуқларига беқиёс ҳисса қўшган мураббий Игор Николаевич Аҳмедшин. – Ҳар бир техник услубни тез илғаб олади. Шогирдимнинг ўйинда ўзига хос бўлган томонларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдим. Менга унинг мусобақаларда совуққонлиги, охиригача курашиши ёқади.

Яқинда Мазлума жаҳон теннис федерацияси рейтинг мусобақаларида Қозоғистон чемпиони Евгения Чуевага қарши шундай ўйин кўрсатдики, буни мўъжиза дейиш мумкин. Евгения Мазлумадан катта — 17 ёшда бўлиб, унинг ёрқин келажаги ҳақида матбуотда бир неча бор ёзилганди.

Таблода ҳисоб Евгения фойдасига 4:2. Яхши от кейин чопади деганларидай, Мазлума бирин-кетин геймларни ўз фойдасига ҳал қилиб ҳисобни тенглаштиришга эришди — 6:6. Тай-брек, яъни, қўшимча вақтда Қозоғистонлик теннисчи яна олдинга ўтиб кетди — 5:2. Аммо Мазлума ҳисобни тенглаштирибгина қолмай I-сетда ғолиб чиқди (9:7).

Иккинчи сет ҳам кескин курашлар остида ўтди. Бироқ бу гал андижонлик теннисчи рақибининг олдинга ўтиб кетишига йўл қўймади ва 7:5 ҳисобида ютуққа эришди.

Турнир ғолиби жаҳон теннис федерацияси рейтингида ёшлар ўртасида нуфузли саккизликдан жой олиши керак эди. Бу 13 ёшли Мазлумага насиб этди.

Тошкент шаҳридаги "Жар" спорт мажмуида катта теннис бўйича "Соғлом авлод учун" VII халқаро турнир якунланган пайт. Мамарасул ака қизи билан таксида Андижонга бир олам қувонч билан қайтарди. Ҳайдовчи йигит йўловчиларнинг қўлида катта биллур кубок, ажойиб магнитофонни кўриб гап қотди:

– Хойнахой, мусобақада ғолиб чиққанга ўхшайсизлар?

— Ҳа, – деди Мамарасул ака. — Қизим катта турнир ғолиби бўлди. Биллур соврин, олтин медал, диплом ва эсдалик совғалари беришди.

— Табриклайман, — деди йигит жилмайиб, — Жаҳон чемпиони бўлиб ўзбек қизлари нималарга қодирлигини бир кўрсатиб қўйинг.

— Мақсад ҳам шу, — дея ота қизига бир қараб қўйди. — Жаҳон юлдузлари қаторидан жой олиш учун Мазлума Германиядаги Ирода Тўлаганова таҳсил олган теннис академиясида маҳоратини ошириши керак.

Ҳайдовчи ҳайрон бўлди?

— Унда нега ўша академияга бормайди?

— Академия Мазлумага ўхшаган ёш ва иқтидорли теннисчиларни қучоқ очиб қабул қилади, — деди ота бироз ўйланиб. — Хомийлар масаласини ҳал қилсак олам гулистон.

— Мазлумахонга ўхшаган қизларни қўллаб-қувватласак Ўзбекистонни жаҳон танийди, — деди ҳайдовчи. – Боксчи Муҳаммадқодирнинг Олимпияда чемпиони бўлиши ҳам осонликча амалга ошмаган. Мана кўрасиз хомийлар топилади.

Такси I-кичик даҳа томон бурилиб, тўрт қаватли бино ёнида тўхтади. Матлуба она қизини интизорлик билан кутаётган эди. У қувончдан кўзлари порлаб турган қизалоқни бағрига маҳкам босаркан:

— Омадингни берсин, қизим, — дея юзларидан ўпди.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Адолат" мухбири.

Қатра

ИНСОН БАХТИ

Қишнинг ўзига хос ажиб кунлари бошланди. Дам-бадам ёғиб турадиган қор киши кўнглига ҳузур-фароғат бахш этади. Айвонга чиқиб, деразадан ташқарига соғинч ила тикилар эканман, майдалаб ёғаётган қор парчалари хаёлимни олис-олисларга олиб борди.

Ажабо, кечагина ёзнинг иссиғидан толиқиб, дим уйдан шабада истаб айвонга чиқар эдиму, дераза очиб, енгил шабададан тин олиб, дераза ортидаги манзарани кузатардим. Бу ҳол худди кеча бўлиб ўтгандек, назаримда. Булар бари баҳор, ёз ва кузнинг манзарали хотираси эмасми. Қаранг вақтнинг ўтишини, ҳар қайсиси уч ойлик муддатни ўз ичига олган фасллар бизни зумда тарк этиб кетар экан.

Инсон умри ҳам, менимча, шундай. Ёшликнинг беғубор дамлари, ўспиринликнинг шижоати, ғайрати, ҳаётнинг синов дамларини берувчи ойланинг янги бўсағаси, туғилажак фарзандларнинг қалбга фахр ва ғурур берувчи қувончли дамлари ҳамда худди ўзингдек уларни ҳам янги ҳаётга чорлов онлари шундай умри мазмунини ўйловчи ҳар бир кишини сурурли хаёлларга ошно этса, ажабмас.

Дераза ортидаги теракнинг қор уюмларини кўтаролмай эгилиб турган новдаларида чирқиллаб, ўзларича ниманидир сўзлаётган чумчуқлар ҳам худди билгандек, вақтнинг тезкор ўтиб кетаётганлигини атрофдагиларга уқтираётгандек туюлади.

Юрагим алланечук орзиқиб, уйга кираману оғир тин олиб, сукут сақлайман, ҳаммаёқ тинч, аммо нимадир сукунатни бузади. Кўзларимни очиб, деворга тикиламан: осиғлиқ турган соат ҳар сонияда "чиқ-чиқ" этиб, худди менга ҳаётдан сабоқ бераётгандек:

— Улгуролдингми? Фурсатни қўлдан бермай, унумли бирор ишга қўл урдингми? — деяётгандек.

Гарчи бу ҳақда соат ва фаслларнинг ўтиши сизни ўйлантирмаса ҳам юрагимизнинг ҳар сонияда дукиллаб уриб туриши бизга ўтиб бораётган умримизнинг ғанимат эканлигини билдиради. Мана янги йил кириб келди. Кимдир ўтган бир йиллик умрининг сарҳисобини қилса, кимдир келган янги йилнинг бахт, омад олиб келишидан ва унумли йил бўлишидан умидвор.

Нима бўлганда ҳам кириб келган янги йилнинг умидли ва фарахбахш ҳузури ҳар бир қалбга нурдай кириб борса, кўнгил хотиржам-осойишта ва серҳаловат бўлса, орзулар рўёбидан дил яшнабқувнаса, инсоннинг бахти шудир.

Вилоят ШОДИЕВА.

Тарих ва инсоният

НОН... ҲАЛИЯМ НОН

Инсониятнинг бу азиз ризқ-рўзи тўғрисида қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, қўшиқлар қуйланади, ҳатто эртаклару мақолларда ҳам улуғланади. Масалан, "Нон ҳам ризо, ҳам шифо", "Нондек азиз бўлинг", "Таом бўлмаса бўлмас — бир бурда нон бўлса, бас" каби кўплаб халқ нақлларини келтириш мумкин.

Халқимизда шундай удум бор: меҳмонга борган киши албатта нон олиб боради. Чунки нондек азиз бўлинг, деган дуо-ният зоҳир бу удумда. Зотан нонимиз бўлса, кўнглимиз тўқ. Негаки, нонинг ўрнини ҳеч қандай таом боса олмайди.

Хўш, нонинг ёши нечада? Буни ҳамманинг ҳам билгиси келади. Олимларнинг хулосаларига кўра, нон тарихи 15000 йилга боради. Албатта, бундан 150 аср, муқаддам пиширилган нон бугунги истеъмолимиздагига мутлақо ўхшамаган. У вақтларда бошоғи билан қовурилган донлар, тош орасига олиб янчилган ва қайнатилган ёрмалар нон ўрнига ўтган. Бундан беш минг йил илгари Миср фиръавнларидан бирининг мақбараси деворларига нон тайёрлашнинг дон йиғишдан, ун қилишу хамир қориш ва ёпишгача бўлган барча жараёнлари сурати чизилган экан.

Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги музейда суви қуриб кетган бир қўлнинг остидан топилган бўлка нон сақланади. Бу энг "қадимги нон" ҳисобланади. Ҳисобларга қараганда, ана шу бўлка бундан 6 минг йил муқаддам пиширилган экан. Нью-Йорк музейларидан бирида юмалоқ-ясси лавош сақланади, тарихий номлар орасида бу энг "ёши" ҳисобланиб, тайёрланганига бор-йўғи 3400 йил бўлган экан.

Бундан 5-6 минг йил аввал қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошланади. Ўша давр новвойлари хамирни кўпчитиш, ошириб, ичини ғовак-ғовак қилиб нон ёпишни ўрганиб оладилар. Бу мақсадда улар мўъжизакор микроорганизмлар бўлиши, хамиртуруш ва ачитувчи, бижғитувчи бактерияларнинг беминнат "хизмати"дан фойдаланадилар. Замонавий нон ёпиш ҳам ҳали-ҳануз шунга асосланади. "Оширилган хамир"дан нон ёпишни мисрликлардан греклар ўрганиб олишади. Буханка нон тайёрлаш учун зарур бўлган тунука қолип грекчасига "клибос" деб аталган. "Хлеб" сўзи ана шундан олинган экан.

Эрамиздан аввалги 776 йилда Грециядa дастлабки Олимпия ўйинлари бошланади. Иштирокчиларни сийлаш учун махсус таом тайёрланади, бу бўрсилдоқ пиширилган оппоқ бўлка нон эди. Ичлари ғовак, бўрсилдоқ қилиб пиширилган буғдой нонни қадимги Римда ҳам тотли таом ҳисоблашган. Бу ерда ҳам уста новвойлар нон ёпишнинг кўплаб хилини кашф этганлар. Улардан бири Марк Вергилейга Эврисак майдонида бундан 2000 йил муқаддам 13 метрли ҳайкал қўйилган бўлиб, бу тарихий обида ҳанузгача сақланган. Чунки Эврисакда очилган катта новвойхона нонлари бутун бошли Рим аҳлини таъминлаб турган эди.

Саломат ҲАСАНОВА.

Маънавият сабоқлари

Охири. Боши ўтган сонларда.

Оллоҳ дуосидан ортиқроқ не бор,
Нима бор афзалроқ эл дуосидан.

Азизлар! Дуо олишликда ҳикмату фазилатлар, эзгулик ва хосиятлар жуда кўп экан. Ана шундай ҳолатларга дахлдор бўлишлик борасида башар фарзанди умргузаронлиги давомида Оллоҳ таолонинг рушди ҳидоят, раҳмоний ва фаришта йўлидан юриб, одамларнинг миннатдорлиги, олқишига сазовор бўлади ва ниҳоятда беҳисоб савобга эгалик қилади. Бу билан эса ўзининг охиратини обод қилади. Ёки бўлмасам, отасию онаси, пиру комиллари ва олиму фозилларнинг, муҳтож, мискин мусофир ва гадоларнинг дуосини олмаслик оқибатида омадсизликка учраб, бахтсиз бўлиб, иши юришмай қолиши ҳам мумкин. Аслида ҳар икки ҳолат ҳам инсон фарзандига бир дарс, бир сабоқ бўлғусидир. Дорилбақо ва дорилфано соҳиби, — бизларни яратган, ризқу насиба ва паноҳ берган — Тангри таолосини таниб, унинг бандаси зиммасига фарз қилган вазифаларни адо этиб, ёлғончи бу дунёга эмас, у боқий дунё ғамига ҳозирлик кўриб яшашлик, аслида энг мақбул, энг савобли, фазилатли ишлар жумласига киради. Бу ҳақда юқорида ҳазрат Иброҳим Адҳам мулоҳазаларини тилга олиб ўтгандик.

Кўп ҳолларда улуғ кишилар ва кекса ёшдагиларнинг йўлини тўсиб ўтамиз, салом бермаймиз, уларни ҳурмат қилмаймиз. Ёшларимиз орасида терс, кўпол, муомаласи совуқ, дилозорлари кўпайиб бораётганга ўхшайди. Замонани ўзига ўркач қилиб олиб, сатанг кийиниб олган, юзга беҳаё тик боқиб туришлик ҳолатларига дуч келиб турибмиз. Манманлик, кибру ҳавога берилишлик оқибатида ўзини шер, ўзгаларни ер билгувчилар ҳам кўпайиб бораётир. Умуминсоний қадриятларга таяниб, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилмаймиз. Ушбу ҳолатлар орқали ҳам умумбашарий қадриятлардан кундан-кунга узоқлашиб қолаётирмиз. Ахир, пул бермасанг, саломингга алик олмайман қабилига етиб қолдик-ку?!

Меҳр-оқибат, саховат ва ҳиммат, самимият ва мурувват кўрсатишлик каби олий инсоний туйғулар, ибратли ва яхши фазилатлар биздан узоқлашиб бораётганига эътибор қаратмаймиз. Сен менга тегма, мен сенга тегмайин қабилида иш юритадиган бўлиб қолдик. Қани ўша азалий бир болага етти маҳалла оталик қиладиган ва етим қолган болаларни эса ўз яқин ва қариндошлари тарбиясига олган пайтлар.

Ўзбек миллатининг буюк қадриятлари, бошқаларга ибратли маънавияти бор. Биз такрор-такрор ўтмишга боқиб, аждодларимиз йўлини кўриб, уни тиклашимиз керак, зарур ва шарт. Бизнинг минг-минг йиллик теран илдизларимиз жуда ҳам мустаҳкам ва бақувват бўлган. Бу оқар дарёнинг ўзанларини янада тозалаб, равонлаштириб, биз учун энг муҳим бўлган бу умуминсоний омиллар, бу — меҳр, бу — оқибат, бу — миллий, диний, қадриятларимизга ҳурмат кўрсатишлик, энг муҳими, бу — ўзбекона одат, бу — илмпарварлик, меҳнатсеварлик ва Ватанни севишга бўлган қоидаларга риоя этишликдадир.

Азиз муштарийлар! "Адолат" нинг маъанавият сабоқлари" рукнида берилган "ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ" сарлавҳаси остида эълон қилинган мулоҳазалар билан танишар экансиз, яна бир бор дуо ҳақида тушунчаларни ойдинлаштиришни лозим деб топдик. Чунки, дуо олишлик, фақат инсонларга хос бўлгани билан, дунонинг бошқа ажойиб қирралари ҳам мавжуд. Буни айнан туморлар тимсолида кўрамиз, айни ўринда бошқа бир жиҳатни ҳам назарга олишимиз керак бўлди.

Исломий кошоналар, масжид ва мадрасалар пештоқларида, ҳатто қабрларга ўрнатилган мармар лавҳаларда ҳам арабий имлодаги "Қуръон" оятлари ва ҳадисларни кўрамиз. Муқаддас Каъбанинг устига ёпилган — Каъба пўштдаги битиклар ҳам муқаддас ва муборак сўзлардан иборатдир. Ана шу дуоларнинг кучи туфайли ҳам 7 минг йилдан бери, Каъба ҳануз хатарлардан омон қолиб, айни кунимизгача етиб келган. Юртимизнинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларидаги обидалар пештоқида ҳам шундай ёзувлар мавжуд. Бу битиклар илоҳий сўзлар бўлсада, санъат намунаси сифатида ҳам диққатга моликдир. Яна, энди сўзимизни туморга бурамиз. «Тумор» арабча сўз бўлиб, инсу жинсларни ҳайдаш учун қоғозга, ҳар хил буюмларга битилган "Қуръон" оятларидан иборат.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Туморлар турли хил кўринишда бўлиб, улар бўйинга, кўкрак ва қўлтиқча, бош кийимга, чаккага, белга, елкага боғлаб, осиб тикиб қўйилади. Дуолар қопқоқли, кумуш ғилофли кўринишда (ҳар хил бурчакли ва цилиндр шаклда) бўлади. Ғилофларга безакли нақшлар ва майда қимматли тошлар қадалган бўлади. Бундай буюмлар — ғилофлар кўзга ташланиб туради, кўз ва суҳларни қайтаради ва синдиради.

Феруза Қуббали кўринишли нақшлар янада диққатни ўзига жалб этади. чеваларимиз тиккан сўзанилар, (уларнинг тури кўп), сочиқ ва рўмолчаларда ҳам дуо сўзлари битилган. Миллий нақш безаклари марказда бўлиб, дуо сўзлардан иборат бўлган. Баъзан ҳаёт шажараси, чирмовуқлар, ғунчалар, хурмо шаклларида ҳам бўлади. Пружиналарга икки қуш ўтқазиб қўйилган учбурчак туморлар ҳам бўлган, юрганда қушлар тирикдек ликиллаб турган.

Дуолар битилган туморлар баъзан ҳайвонларни ювош қилиш, сут ва қатиғини кўпайтиришга хизмат қилади. Айниқса, чавандозлар чопқир отларига ва бошқа ҳайвонларга ҳам дуо битилган туморни тақиб юрганлар.

Ҳозирги кунимизда енгил машина соҳиблари ҳам бало-қазолардан сақланиш, йўли бехатар бўлишлиги учун туморлар осиб қўйишни ўзларича одат қилишганлар.

Азизлар! Дуонинг муҳим жиҳатлари, фазилат ва баракоти, хосиятлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни диний ва дунёвийлик жиҳатидан омуҳталаб, сизларга ҳавола қилдик. Ўз навбатида дуо мўъжизавий қудратга эга экан. Шу боис ҳам дуога қўл очилганда шоҳ ҳам, гадо ҳам бирдай қўл очади. Сокинлик ҳукм суради. Дуода айтиладиган сўзлар сеҳри одамларни ром этиб қўяди. Гўёки, барча тилаклар мустожиб бўлаётганга ўхшаб кетади. Майин ва юмшоқ оҳангдаги дуо сўзлари одамни ўзига маҳлиё айлаб, қалблар гуноҳлардан покизаланиб олингандай бўлади. Бошга тушган ғам-ғуссадан таскин топгандай бўласиз. Дуо туфайли Яратган Тангрига эврилиш, покизалик, ғурур ва ифтихор туйғуларига ботиш, янги куч ва янги қувват бахшида этади. Дуо ўқишлик баробарида ўтиб кетган аждодлар руҳи шод этилади. Шу боисдан ҳам башар фарзанди дуо олишлик орқали даргоҳи, олийни, яратган Тангрисини шод этиб уни рози қилади. Шу сабабли олтин олма, дуо олгин, дуо олтин эмасму, деганлар. Ҳа, бахт-иқбол ва омад калити дуо олишликда кўзга ташланади, униб, ўсишимиз, обрў-эътибор қозонишимиз, бахтга эришиш дуо олишликнинг барокатидандир. Бу тарбияни оилада, мактаб ва маҳаллада тўғри йўлга қўймоғимиз керак бўлади. Омин!

Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент, халқ таълими аълочиси.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

"Равзаи ҳулд" асарининг муаллифи Мавлоно Маждиддиннинг ёзишича, у бир куни Язд шаҳрида ваъз айтаётган экан.

Гап ота-она ҳақида кетаётган пайтда бир қария ўрнидан туриб, йиғлаганича: "Эй мавлоно, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейсан?" — деб сўради. Мен ундан: "Отаси уни нима ишга ўргатган эди?" — деб сўрадим. У эса: "Эшакни ижарага беришга" — деб жавоб берди. "Айб унинг отасида, — дедим унга, — болани ёшлигидан илм ўрганишга жалб қилганида ва яхши кишилар суҳбатига юборганида унда бундай иш содир бўлмас эди. Ота бундай қилиш ўрнига эшакни ижарага беришга ўргатипти. Натижада бола эшакни жиловидан тортиб, бошига чўп билан уришга ўрганиб қолган. У ўз отасининг соқолини эшакнинг жилови, деб ўйлаб тортган, бошига эса эшакнинг боши деб ёғоч билан туширган".

Фарзандни жаҳл зимистонидан илм рўшнолиги томон етаклагинки, илм инсон фахри, жоҳиллик эса ғафлатдир.

Турфа олам

АҚЛЛИ ТЕМИР ОДАМ

Япониядаги "Сони" компанияси мутахассислари Айбо деб номланган ақлли робот яратдилар.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Айбо турли юмушларни бемалол бажариши мумкин. Масалан, у хонадаги мебеллар жойини алмаштириши, дераза ойналарини артиб тозалаши мумкин.

Шунингдек, робот телефон қўнғироғига жавоб қилади. Зарур бўлган одамни чақириб беради. Ушбу меҳнаткаш, ақлли "темир" одамнинг нархи 3,6 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган. Айбони дастлаб "Сони" компанияси сайтига сотиш учун қўйилганда 15 минут ичида унинг 3500 донаси сотилиб кетди.

КАЛИТНИ ҲОЖДИҒО...

Руминиянинг Сибу шаҳрида истиқомат қилувчи Эуджен Гроза деган киши хотини билан ажрашгач, уйининг ярмини бермаслик мақсадида хонадон эшиги калитини ютиб юборди.

Гап шундаки, Гроза бўйдоқ қолгач, уйининг қулфини янгилаб олди. Қулфнинг эса биттагина калити бўлган. Вақт ўтиб, собиқ хотини уйнинг ярмини беришни даъво қила бошлади. Ана шундан сўнг Гроза яккаю ягона калитни ютиб юборибми, муаммони ҳал этмоқчи бўлди.

Аммо калитни унинг ошқозони ҳазм қилолмай дарҳол жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Суд эса, эр-хотин биргаликда яшаган пайтда олинган мол-мулк ва уйнинг ярмини Грозанинг собиқ турмуш ўртоғига ажратиб беришга қарор чиқарди.

ЭРКА ҚЎЙНИНГ ҚИЛИҒИ

Белгород вилоятининг Чернянка қишлоғида яшовчи Иван Павлов зўр ва йирик қўй боқиб ўстирмоқда эди.

Қўй ҳақиқатда катта бўлиб ўсди. Бунинг устига гавласига яраша бақувватлиги ҳам бор. Эгаси қўйни жуда яхши кўрарди. Шу сабабли бўйнига арқон солмас, фақат эркаларди.

Қўй эса баъзан кўчага чиқиб, болаларни, ҳатто катталарни ҳам сузиб қувларди. Одамлар эса қопағон итдан қўрққандек ҳадиксирашарди. Яқинда Иван ишдан келиб, ҳовлига кирдида анча нарида турган эрка қўйини бир силаб-сийпаб қўймоқчи бўлиб олдига чақирди. Шунда қўй ўқдай учиб келдию, эгасига шох ташлади. Иван эса жонивор зарбидан юз тубан йиқилиб, ҳушидан кетди.

Дилором НИШОНОВА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ